

ADOLAT

O'zbekiston «Adolat» sotsial-demokratik partiyasi

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 39 (1103) • 2016-yil, 5-sentabr, dushanba

ТАЪЗИЯНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Каримовнинг вафоти муносабати билан хорижий давлатлар, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари, ишбилармон ва академик доиралар вакилларидан таъзияномалар келмоқда. Мазкур таъзияномаларда ушбу қайғули дамларда Ўзбекистон раҳбарияти, халқи ва Исло Каримовнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдирилиб, сабр-тоқат тиланган.

Куйидагилар ўз таъзияномаларини йўллаган:

- БМТ Бош қотиби — **Пан Ги Мун**
- Америка Қўшма Штатлари Президенти — **Барак Обама**
- Россия Федерацияси Президенти — **Владимир Путин**
- Россия Федерацияси Ҳукумати Раиси — **Дмитрий Медведев**
- Россия Федерацияси ташқи ишлар вазири — **Сергей Лавров**
- Хитой Халқ Республикаси Раиси — **Си Цзиньпин**
- Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири — **Ли Кэцянь**
- Хитой Халқ Республикаси ташқи ишлар вазири — **Ван И**
- Қозғоғистон Республикаси Президенти — **Нурсултон Назарбаев**
- Қозғоғистон Республикаси Парламенти Мажлиси Раиси — **Нурлан Нигматулин**
- Туркменистон Президенти — **Гурбангули Бердимухамедов**
- Тожикистон Республикаси Президенти — **Имомали Раҳмон**
- Қирғизистон Республикаси Президенти — **Алмазбек Атамбоев**
- Афғонистон Исло Республикаси Президенти — **Мухаммад Ашраф Ғани**
- Озарбайжон Республикаси Президенти — **Илҳом Алиев**
- Беларусь Республикаси Президенти — **Александр Лукашенко**
- Беларусь Республикаси ташқи ишлар вазири — **Владимир Макей**
- Украина Президенти — **Пётр Порошенко**
- Корея Республикаси Президенти — **Пак Кин Хе**
- Корея Республикаси Бош вазири — **Хван Гё Ан**
- Корея Республикаси ташқи ишлар вазири — **Юн Бён Се**
- Япония Бош вазири — **Шиндзо Абэ**
- Япония Бош вазири рафикаси — **Акиэ Абэ**
- Япония Бош вазири ўринбосари, молия вазири, парламентдаги Ўзбекистон билан дўстлик лигаси раиси — **Таро Асо**
- Япония ташқи ишлар вазири — **Фуmio Кисида**
- Хиндистон Республикаси Президенти — **Пранаб Мукержи**
- Туркия Республикаси Президенти — **Режеп Таййип Эрдоғон**
- Туркия Республикаси Бош вазири — **Бинали Йилдирим**
- Покистон Исло Республикаси Президенти — **Мамнун Хусайн**
- Покистон Исло Республикаси Бош вазири — **Мухаммад Навоз Шариф**
- Эрон Исло Республикаси Президенти — **Ҳасан Рухоний**
- Сингапур Республикаси Президенти — **Тони Тан Кенг Ям**
- Германия Федератив Республикаси Федерал Президенти — **Йоахим Гаук**
- Бельгияликлар Киноли — **Филипп**
- Латвия Республикаси Президенти — **Раймондс Веинис**
- Латвия Республикаси ташқи ишлар вазири — **Эдгаре Ринкевич**
- Латвия Республикаси Сейми Президиуми аъзоси — **Андрей Клементьев**
- Словения Республикаси Президенти — **Борут Пахор**
- МДХ Ижроия қўмитаси раиси — **Ижрочи қотиби — Сергей Лебедев**
- Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Қотибияти КХШТ Бош қотиби — **Николай Бордюжа**
- БМТ Тараққиёт дастури администратори — **Хелен Кларк**
- “МАКСАМ” компаниясининг президенти ва ижрочи директори — **Хосе Фернандо Санчес-Хуяко**
- Испания Археологлар уюшмаси бош қотиби — профессор **Хесус Хил**
- Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси — **Каролин Лэм**
- Америка — Ўзбекистон савдо палатаси президенти — **Стивен Надерни**
- “Туркистон — Америка ассоциацияси” раиси — **Абдулла Хўжа**
- Г.В.Пеханов номидаги Россия иктисодиёт университетини ректори — **Виктор Гришин**
- Халқаро болалар фондлари ассоциацияси Президенти — **Альберт Лиханов**
- Сан Пабло университети профессори (Мадрид шаҳри), Марказий Осиё мамлакатлари бўйича эксперт — **Антонио Алонсо**
- Таъзияномалар келиши давом этмоқда.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ МЕЪМОРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Исло Каримов хотирасига бағишланган маросим бўлди.

Президентимиз портрети пойига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Вазири раҳбарлари, мамакатимизда фаолият юритаётган дипломатик корпус раҳбарлари, кенг жамоатчилик вакиллари юксак ҳурмат бажо келтириб, гуллар қўйди.

— Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз, — деди Хитой Халқ Республикасининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Сунь Лицзе. — Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Исло Каримов мустақилликка эришиш, давлатни ҳар томонлама ривожлантириш, шунингдек, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустақамлашга улкан ҳисса қўшди. Исло Каримов бошлаган буюк ишлар давом этишига, Ўзбекистон янада раванк топишига ишонамиз. Исло Каримовнинг Ўзбекистон — Хитой муносабатларини изчил ривожлантириш йўлидаги иш-

лари ва амалга оширган ишларини давом эттириб, ўзаро ҳамкорлигимизни янада мустақамлаштирадим.

— Исло Каримовнинг вафоти нафақат Ўзбекистон халқи, балки бошқа мамлакатлар, хусусан, Россия учун ҳам оғир йўқотиш бўлди, — деди Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Владимир Тюрденев. — Исло Каримов Россия билан Ўзбекистон ўртасидаги иттифоқчилик муносабатлари ва стратегик ҳамкорлигини ривожлантириш ҳамда мустақамлашга катта ҳисса қўшди. Ўзбекистон босиб ўтган тараққиёт йўли Исло Каримов номи билан боғлиқ экани барчамизга аён. Унинг хотираси Ўзбекистон халқи юрагида умрбод муҳрланиб қолади. Ўзбекистон халқи Исло Каримов танлаган йўлдан оғинамай олға боришига ишонамиз. Унинг оила аъзоларига, Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз.

— Барчамиз қаттиқ қайғудамиз, — деди Америка Қўшма Штатларининг Ўзбе-

кистондаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Памела Спратлен. — Исло Каримов оила сита ва Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз. АҚШ Ўзбекистоннинг узоқ муддатли ҳамкоридир. Ўзаро алоқаларни давом эттириш тарафдоримиз. Халқингизга сихат-саломатлик, фаровонлик ва барқарорлик тилаймиз.

— Шанхай ҳамкорлик ташкилоти номидан бутун Ўзбекистон халқига чуқур ҳамдардлик билдирамиз, — деди Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори Евгений Сисоев. — Исло Каримовни юксак ҳурмат қилар эдик. Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти ШХТнинг ташкил этилиши, фаолияти кўлами кенгайишига ҳар доим алоҳида эътибор қаратар эди. Исло Каримовнинг бевосита ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси 13 йилдан буён муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон халқи, улкан йўқотишдан чекаётган кайғунгизга шерикимиз.

Нигоҳларидан катъият, ишонч ва меҳр балқиб турган Исло Каримовнинг сурати қараб, шу заминда яшаётган ҳар бир инсон буюк

Президентимиз амалга оширган эзгу ишлар — халқимиз учун дунёда ҳеч қимдан кам бўлмаган шароитлар яратилгани, қудратли давлатчилигимиз барпо этилгани, давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлганини яна бир бор хис қилиб, буларни кўз қорачиғидек асраш, бошланган эзгу ишларни давом эттиришга масъул эканини теран англамоқда.

— Юртбошимиз Исло Каримовнинг Ўзбекистон тараққиёти, халқимиз манфаати йўлида амалга оширган ишлари, ислохотлари йиллар оша қадрли ошиб боришига шубҳа йўқ. Бу инсоннинг хотирасини нафақат бугунги, балки келажак авлодлар ҳам мустақиллигимиз меъмори сифатида юксак кадрлайди. Исло Каримов — тинчликпарвар сиёсатчи, буюк давлат асосчиси сифатида жаҳон тарихида ўчмас из қолдирди, — деди пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги Навоий номидаги маҳаллада истикомат қилувчи Саъдулла Насриддинов.

Президентимизнинг “Бизга тинчлик ва омонлик керак” деган эзгу даъвати Ўзбекистон оналарининг дилидаги, тилидаги орзу-нияти бўлиб келган, — деди Тадбиркорлар ва ишбилармонлар

харакати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси марказий кенгаши раиси ўринбосари Мухлиса Акромова. — Ана шундай эзгу мақсадларни рўёбга чиқарган Исло Каримов юртимизда миллатлар ва фуқаролараро ҳамжихатлик, ўзаро ҳурмат меҳр-оқибат муҳитини қарор топирди, мустақамлади. Бу барқарор муҳит юртимизда барча соҳаларда юксак ютуқ ва натижаларга эришилишига пухта замин яратди. Биз буни кўз қорачиғидек асравайлаб, келажак авлодимизга тинч ва обод Ватан қолдириш йўлида фидойилик қўратилиши шарт.

— Президентимиз Исло Каримов биз, ёшларни фарзандларим, деб атаганларидан доим фахрланганмиз, — деди Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети 2-босқич талабаси Омонулла Собиров. — “Биз ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмаганмиз ва кам бўлмаймиз”, деган даъватлари бизни доим олға интилишга ундайди. Юртбошимизнинг пок руҳи, ўғитлари биз, ёшларга мустақам таълим бўлади. Биз у кишининг муносиб издошлари бўлишимизга ваъда берамиз.

**Н.АБДУРАИМОВА,
Б.БОЗОРОВ,
ЎЗА мухбирлари**

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти хотирасига бағишланди

➤ ХОТИРА ДАРСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти, барчамиз учун қадрли инсон бўлган Исло Каримов ўз ҳаёти ва тақдирини жонажон Ўзбекистонимиз, халқимизга бағишлади.

Мамлакатимиздаги барча таълим масканларида 4 сентябрь куни Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган «Хотира дарслари» бўлиб ўтди.



Улуғ раҳбаримизнинг Ватан раванки, халқимиз олдидаги буюк хизматларини ёдга олиш мақсадида ташкил этилган мазкур дарсларда турли вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг мутасаддилари, профессор-ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, тарихчи олимлар, ёзувчи ва шoirлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Исло Каримов халқимиз, айниқса, ёш авлод камолоти йўлида мунтазам ғамхўрлик қўрсатганини бутун жаҳон жамоатчилиги эътироф этмоқда. Юртбошимизнинг хотирасини азиз ва муқаддас билиш, истиқлол йилларида мамлакатимизда навқирон авлоднинг порлоқ келажак йўлида яратилган шароит ва имкониятларни кадрлашга ўргатиш, ёшлар қалбидида Ватанга муҳаббат, юртпарварлик туйғусини мустақамлаш кенг жамоатчилик, таълим фидойилари, ота-

оналар зиммасидаги энг масъулиятли ва зифадир.

Исло Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни собиқ мустабид тузум қарамлигидан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққиёт эътириш стратегиясини, бутун жаҳонда «Ўзбек модели» деган ном билан тан олинган ривожланиш йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанамиз тарихида мангу қолади. Халқимиз ўзининг тарихан қисқа муддат — 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда Президент Исло Каримов номи билан боғлайди ва шу улуғ инсоннинг хизматлари, деб билади.

Ўқувчилар Президентимизнинг таржimai ҳоли билан таништирилган, махсус мониторда намойиш этилган фильмда Исло Каримовнинг Ўзбекистон мустақиллигининг асосчиси, мамлакат мус-

тақил тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий тараққиёт йўлини белгилаб берган атоқли давлат арбоби, юртимизда амалга оширилган улкан ислохотлар, тарихий ўзгаришларнинг ташаббускори ва раҳнамоси сифатидаги хизматлари ҳақида сўз юритилди.

Мустақиллигимизнинг маънавий асосларини яратиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий жабахалардаги туб ислохотлар, дунё мамлакатлари билан тенг ҳуқуқли ҳамкорлик, Қуролли Кучларимизнинг қудратини ошириш йўлидаги ишлар бевосита Исло Каримов раҳнамолигида амалга оширилди. Президентимизнинг узоқни қўзлаган доно сиёсати, матонати, жасорати билан Ўзбекистон тинчлик ва озоишталик барқарор, турли миллат ва диний конфессиялар вакиллари ўзаро ҳамжихат, аҳил ва тотувликда истикомат қилаётган мамлакатга айланди.

Халқимиз мустақиллигининг асосчиси, мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Исло Каримов вафоти муносабати билан Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси Марказий аппаратида мотам тадбири бўлиб ўтди.

Қалбимизда мангу яшайди

Унда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлари, “Ёш адолатчилар” ва “Аёллар қаноти” фаоллари иштирок этди.

Партия бош биносида ташкил этилган Исло Каримовнинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган “Хотира хонаси”да жам бўлганлар Юртбошимиз портрети пойига гулчамбарлар қўйиб, унинг хотирасига таъзим бажо келтирди.

— Замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамони, удуғ жасорат эгаси, буюк давлат арбоби ва халқимизни юксак мақсадлар сари бошлаган йўлбошимиз Исло Каримов ўзининг аҳамияти ва кўлами жиҳатдан асрларга татигулик эзгу ишлари билан мамлакатимизнинг янги тарихини абадиятга муҳрлади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Алишер Шодмонов.

Мустақил юртнинг муаззам майдони

Бундан 25 йил муқаддам – 1991 йил 5 сентябрда мамлакатимизнинг бош майдонига Мустақиллик майдони номи берилган



Куни кеча қалбларимизни ларзага солган оғир жудолдан ўзимга кела олмадим. Кўнглим хувиллаб қолди. Бир илмиж истаб мамлакатимизнинг бош майдони – Мустақиллик майдонига бордим. Майдондаги ҳар бир деталга синчиклаб разм соламан. Давлатимиз раҳбарининг “Биздан обод ва озод Ватан қолсин!” деган эзгу мақсадлари ижобати кўз ўнгимда гавдаланади.

Дарҳақиқат, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда олиб борилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари мана шу майдондан бошланган десак, хато бўлмайди.

...Эзгулик аркаси қарши-сидаман. Тинчлик, осойишталик, хотиржамлик дарвозаси сифатида қад ростлаган бу иншоот халқимизнинг гурури каби юксак. Парвозга шайланаётган турналар халқимизнинг буюк орзу-мақсадларини рўёбга чиқариш йўлидаги юксак интилишлари, қатъияти ва иродаси, оқ лайлақлар эса тинч ва осуда ҳаётимиз, фаровонлик ва кут-барака тимсола-ридир. Арканнинг баланд ва мустахкам устунлари мамлакатимиз ривожини учун пойдевор бўлаётган бақувват таъналар ифодасидир. Бу остонадан ўтадиган ҳар бир инсон муқаддас даргоҳга қадам қўяётганини ҳис қилади. Майдон ҳамиша яшнаб, барқ уриб турадиган кўкаламзорлари, етти иклимдан келтирилган анвойи гулу буталари, манзарали дарахтлари билан кўзни қувонтиради.

Президентимиз Ислоҳ Каримов 2005 йил 28 декабрда Мустақиллик майдонига янги барпо этилган монумент пойига илк бор гулчамбар қўйган эди. Майдонда мустақиллигимизнинг дастлабки йилида қад ростлаган Мустақиллик ва эзгулик монументи олдида фарзандини бағрига босиб, унга ишонч билан термулиб турган Бахтиёр она хайкали бунёд этилди. Бундан мақсад халқимизнинг орзу-интилишларини теран ифода этиш, ёшларимизнинг маънавий оламини эзгу ғоялар асосида шакллантириш ва камол топтиришдан иборатдир. Монумент ўз меъморий ечими, ғоявий-бадиий мазмуни билан Ўзбекистон танлаган йўл – Мустақиллик йўлининг тасвирчан ифодасига, асрий

қадриятларимизнинг яққол намоёнига айланди.

Икки қатор қилиб экилган ям-яшил арчалар орасидаги йўлаклар Бахтиёр она хайкали томон олиб боради. Хайкал пойида бош эгаман. Бахтиёр она – она Ватан рамзи. Бу буюк тушунчанинг айнан она сиймоси орқали ифодаланиши, мамлакатимиз бош майдонига Бахтиёр она хайкалининг барпо этилиши онага, аёл зотига ҳурмат-эҳтиром нақадар юксак эканидан далолат. Чунки инсоннинг маънавияти ва дунёқарашини шакллантирадиган мезонлар она бағрида, оила муҳитида қуртқ элади. Она-ни ардоқлаш, меҳр-муҳаббатига яраша эъзоз ва эътибор кўрсатиш Юртбошимизнинг диққат марказидаги масалалардан эди.

Сал нарида невараси билан нуруний отахон кўринади. Отахон ҳар бир иншоот ҳақида батафсил гапириб бермоқда: “Бу Ер шари тасвири. Унинг марказида Ўзбекистон харитаси жой олган, у Мустақиллик ва эзгулик монументи деб аталади...”

Отахон тўхтаб атрофга назар солди. Неварасининг бошини силаб сўзида давом этди: “Илгари бу жойлар “Қизил майдон” деб юритилган. Ёзининг жазирамасида оловдек қизиб ётган бетондан иборат маскан энди ўйлаб кўрсам ўша тузумнинг кичкина намунаси бўлган экан”.

Дарҳақиқат, ҳар бир жой номига муносиб бўлади. Мустақиллик майдонининг кўрки ва тароватидан юртимиздаги ободликнинг нафаси келиб турибди.

Умумхалқ байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқаро мусобақаларга кузатиш чоғида хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниётларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини зиёрат қилиш яхши анъанага айланган. Мамлакатимизга ташриф буюрган хорижий давлатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегатлар вакиллари ҳам давлатимизга бўлган ҳурмати ушбу монумент пойига гул қўйиш орқали ифода этади.

Кўёш порлаб, майин эсаётган шабада дилларни тетиклаштиради, майсалар охиста тебранади, майдондаги ям-яшил арчалар, турфа гуллар кўзни қувонтиради. Юрагимдаги ажиб сокинликни, унинг замиридаги тинчлик ва осойишталикни янада теранроқ ҳис этгандек бўламан.

Кўёш нурида жиллоланувчи фавворалар кўнгилга мусоффолик бахш этди. Фавворалар нафакат тинч ва осойишта ҳаётимиз, балки мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишларининг ёрқин ифодасидир. Фавворалар ансамбли меъморий услуби ва

кўлами жиҳатидан атрофдаги маъмурий биноларга кўркамлик бағишлайди. Хароратни мўътадиллаштириб, атрофга салқинлик бахш этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Вазирлар Маҳкамаси бинолари, Хотира хиёбони, “Туркистон” саройи, маъмурий бино, Маърифат маркази мажмуаси, “Пойтахт” бизнес маркази, Тасвирий санъат галереяси, Ёшлар ижод саройи каби замонавий комплекслар Мустақиллик майдонининг умумий манзарасини тўлдириб, унинг хуснига ҳусн қўшиб турибди.

Мотамсаро она хайкали томон юраман. Онанинг киёфаси кишини маънос торттиради. Бу она киёфасида Иккинчи жаҳон урушига кетган 1,5 миллион эр йигитнинг кайғуси муҷассам. Ўша йиллари йилгайвериб, кўз ёшлари қуриган меҳрибон она фарзандидан, аёллар суяянчидан, опалар укасида, сингиллар акасида ажралганининг тимсоли бу.

Хотира хиёбонидаги зарҳал “китоб”ларда номлари қайд этилган ярим миллион аскарнинг руҳи мусоффо осмонимиз узра учиб юргани аниқ. Улар мотамсаро онага “Дард чекма она, энди фарзандларинг уруш деган балога йўлиқмагай” деяётгандек гўё.

Ўриндикда қўлларини дуога очиб ўтирган онахон-

га кўзим тушди. Бейхотиёр мен ҳам юзимга фотиҳа тортдим. Салом бериб, ёнига ўтирдим.

— Отамнинг қабри қаердалигини билмайман, — деб гап бошлади ўзини Мухри-ма Шотурсунова деб таниш-тирган онахон. — Уруш йиллари беш ёшда эдим. Отамнинг дийдорини аниқ эслайман. Кейин аскарлик пайтида тушган суратларини юборган. У даврларда инсоннинг қадри ҳам йўқ экан-да. Қаерда вафот этган, қандай вафот этган, дафи қилинганми-йўқми, буниси қоронғу. Отамни соғинганда шу ерга келиб, хаккига дуо қилиб тураман.

Онахон ўридан кўзгалар экан чуқур нафас олиб, “Номингдан айланай тинчлик! Тинчлик бор жойда халоват бўлади, тўйлар бўлади, тинчлик бор жойда уйлар қурилади. Тинчликни асраш, қадрига етиш керак”, деди.

Мустақиллик майдонидан чиқарканман отамнинг қўлидан ушлаб боғчадан, онасининг ёнида мактабдан қайтаётган, футбол майдонига шодон тўп тепаётган, анҳорда чўмиллаётган, спорт анжومي ё чолғу асосини елкалаб олган болаларни кўриб, дилим яйрайди. Юртбошимизнинг эзгу ишларини ёшлар, қолаверса, шу болажонлар давом эттиражак.

Абу Бакир ҲОЗОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

ХОТИРА ДАРСЛАРИ

Самарқанд вилоятидаги умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида янги ўқув йили Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов хотирасини ёд этишга бағишланган “Хотира дарслари” билан бошланди.

ИЛК САБОҚДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЁДГА ОЛИНДИ

Самарқанд шаҳридаги 45-умумтаълим мактабининг 1800 дан ортиқ ўқувчисига давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, депутатлар, муассаса ўқитувчилари Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг ҳаёти йўли, давлатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширган буюк хизматлари ҳақида сўзлаб берди.

Мамлакатимизнинг мустақилликка эришиши ва миллий давлатчилигимизнинг тикланиши, ўтган йигирма беш йилда барча соҳаларда қўлга киритилган оламшумул ютуқ ва муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг дунёда ўз муносиб ўрнини топиши Ислоҳ Каримов номи билан боғлиқ. Айниқса, Юртбошимизнинг ёш авлод камолотига қаратилган юксак эътибори, оталарча ғамхўрлиги туфайли ёшларнинг замон талаблари даражасида билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши учун кенг имкониятлар яратилди. Бу юртимиз ёшларининг бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқиши, жонажон Ватанимиз довуғини дунёга таратишга қодир авлод бўлиб етишишининг муҳим омилли бўлди.

— Дунёдаги ҳеч бир давлат раҳбари илк бор мактаб остонасига қадам қўяётган барча болаларга ўз совғасини бермаса керак, — дейди мактаб директори Ниғора Донёрова. — Бизда биринчи синфга қабул қилинган ҳар бир ўғил-қиз Президентимиз туҳфа қилган дафтар-китоблар билан савод чиқаради, илм ўрганишга киришади. Бу йил ҳам 250 ўқувчимиз шундай ғамхўрликдан баҳраманд бўлди. Бугун илк сабоқда уларга давлатимиз раҳбарининг ана шундай эзгу ишлари ҳақида фахр билан сўзламоқчи эдик. Афсуски, энди бу гапларимизни изтироб билан, хотира сифатида айтаямиз.

— Президентимиз Ислоҳ Каримов ҳар бир чиқишларида ёшларга муурожаат қилиб, бизни доим юқори марралар сари даъват этар эди, — дейди мактаб ўқувчиси Малика Зиёева. — У кишининг сўзлари-дан сўнг биз, яна ҳам кучга тўлиб, яхши ўқишга, ишончларини оқлашга ҳаракат қилардик. Бугун хотира дарсида ҳам Юртбошимизнинг ёшларга бўлган эътибори ҳақида кўп маълумотлар олдик. Биз у киши орзу қилгандек кучли, билимли, бахтли инсонлар бўлиб, юртимиз тараққиётига ўз ҳиссамизни қўшамиз.

“Хотира дарслари”да мустақиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида қўлга киритилган ютуқ ва муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиш этилди.

Ҳ.ҲАСАНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

ҲАМИША БАРҲАЁТ СИЙМО

Қорақалпоғистон Республикасидаги таълим муассасаларида янги ўқув йилининг илк дарси Президентимиз Ислоҳ Каримов хотирасига бағишланди.

Нукус шаҳридаги 37-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактабида янги ўқув йилининг бошланганидан дарак берувчи биринчи кўнғирок чалинди. Ўқувчилар мамлакатимиз Президенти Ислоҳ Каримов портрети пойига гуллар қўйиб, хотирасига таъзим бажо келтирди.

Ушбу таълим масканида 1 минг 900 ўқувчи таҳсил олмақда. Жорий ўқув йилида 324 бола биринчи синфга қабул қилинди.

“Хотира дарслари”да Президентимизнинг ҳаёти йўли, асарлари, оталарча ғамхўрлиги туфайли ёш авлод тарбиясига қаратилган юксак эътибор самаралари ҳақида батафсил маълумот берилди. “Келажак бизники, марра бизники!” номи вилоятлик намойиш этилди.

Мактабнинг 9-синф ўқувчиси Айсенем Давлетназарова “Ораста қизлар” танловининг Қорақалпоғистон Республикаси босқичида биринчи ўринни эгаллади. Унинг синфдоши Асалбек Султонов Беларусь давлатида ўтказилган “Золотая пчёлка” халқаро танловида опера йўналиши бўйича ғолиб бўлиб қайтди. 9-синф ўқувчиси Дилфуза Салиева ва 8-синф ўқувчиси Муҳаббат Давлетбоева бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионатида биринчи ўринга сазовор бўлди.

— Ўқитиш жараёни илғор педагогик технологиялар асосида, интерфаол усулларда олиб борилмоқда, — дейди Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси Ойсулвў Тажмуратова. — Ўтган ўқув йилида ўтказилган фанлар олимпиадаси ва билимлар бешлашуви реитинг натижаларига кўра, Қорақалпоғистон Республикасида 3-ўринни эгаллаб, мамлакат бўйича кучли йигирматаликка кирдик. Фанлар олимпиадасида 4, билимлар бешлашувида 9 ўқувчимиз Қорақалпоғистон ва мамлакат босқичида иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллади. Буларнинг барчаси Юртбошимизнинг таълим соҳасига қаратган юксак эътибори, ёш авлод тарбиясига бўлган ғамхўрлиги самарасидир.

А.ОРТИҚБОЕВ,
ЎЗА МУХБИРИ

НОМИНГИЗ АБАДИЙ, ЙЎЛИНГИЗ БАРДАВОМ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов вафоти муносабати билан Наманган вилоятида ҳам мотам тадбирлари бўлиб ўтмоқда.

Эрта тондан давлат идоралари, ташкилот ва корхоналар, жамоат ташкилотларининг жамоалари, кеска-ю ёш қўлида гулдаста, қалбида чуқур изтироб, юз-кўзида чексиз қайғу билан вилоят марказидаги Хотира хиёбони томон оқиб кела бошлади.

Хиёбон ўртасидаги шохсунага Президентимизнинг қатта сурати қўйилган. Йилгиланлар саф тортиб, ҳаммамиз учун азиз ва қадрли бўлган Юртбошимиз портрети пойига гуллар қўйиб, таъзим бажо этган ҳолда меҳр ва садоқатини изҳор қилди.

Йилгиланлар Ислоҳ Каримовнинг давлатимиз мустақиллигининг асосчиси ва раҳнамоси сифатида халқимиз олдидаги буюк хизматлари ҳақида сўзлаб, унинг вафоти Ватанимиз ва халқимиз учун ниҳоятда оғир йўқотиш эканини чуқур қайғу билан изҳор қилди.

— Ислоҳ Каримов халқимиз тарихида ўчмас из қолдирди, — дейди “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Наманган вилояти бўлими бош мутахассиси Дилором Зоҳидова. — Зеро, миллий истиқлолимиз шу буюк инсоннинг номи билан боғлиқ. Президентимизнинг номи қалбимизда абадий ва эзгу йўли бардавомдир.

Шундай тадбирлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида бўлиб ўтмоқда.

А.САТТОРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ

Қалбимизда мангу яшайди

Давоми. Бошланғич 1-бетда

— Ўзбекистон халқининг руҳини, гурур-ифтихорини, қудратини, орзу-интилишларини ягона мақсад йўлида муҷассамлаштира олган, халқни — халқ, миллатни — миллат қилиш йўлида жонини фидо қилган Юртбошимизнинг ватанпарварлиги, халқпарварлиги, мустақиллигимизни мустахкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш йўлида олиб борган ёрқин фаолияти барчамизга ўрнак, намуна бўлиб қолади.

— Бугун барча соҳаларда эришаётган ютуқ ва муваффақиятларимиз, шубҳасиз, Юртбошимизнинг танлаган оқилона сиёсати, ёшларга билдирган ишонччи, ҳамиша “марранни баланд олинган, эртанги кун бизники, марра бизники!”, дея руҳлан

тирганликлари маҳсулидир, — дейди партиянинг “Ёш адолатчилар” қаноти Кенгаши раиси Умид Сулаймонов. — Шундай экан, бизга мерос қолган шу озод ва обод Ватан равнақи йўлида қўлни қўлга бериб, Президентимиз бошлаган ишларни давом эттириш, улғу мақсадларни рўёбга чиқаришда бор кучимизни, билим ва қобилиятимизни сафарбар этмоғимиз, Ўзбекистонимизнинг келажаги буюк бўлишига ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

Шунингдек, Юртбошимиз Ислоҳ Каримовнинг вафоти муносабати билан республикамизнинг барча вилоятлари, туман ва шаҳарларида ўтказилаётган мотам тадбирларида миллионлаб ватандошларимиз қаторида

партияимиз фаоллари томонидан ҳам йўлбошчимиз хотирасига ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда.

Хусусан, Андижон шаҳридаги Захриддин Мухаммад Бобур майдонидаги Юртбошимиз портрети пойига гулчамбарларга тўлди. Зиёдилар, меҳнат фахрийлари, фаол ёшлар, маҳаллий Кенгаш депутатлари билан бир сафда Ўзбекистон “Адолат” СДП фаоллари ҳам иштирок этишди.

— Президентимиз хаммамиз учун одамлар дарди-ташвиши билан яшаш, Ватанини севиш ва ардоқлашининг ҳақиқий намунаси эди, — дейди Ўзбекистон “Адолат” СДПдан сайланган халқ депутатлари Булоқбоши туман Кенгаши депутати Инобатхон Жалилова. — Умрини юртимиз тинчлиги, Ватанимиз равнақи ва халқимиз фа-

ровонлиги йўлида фидо қилган йўлбошчимизнинг ёрқин хотираси қалбларимизда мангу яшайди.

— Маҳалладошларимиз билан изтиробдамиз, — дейди Қўрғонтепа туманидаги “Юксалиш” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Саодатхон Хожиматова. — Юртбошимизни чин маънода отамиз, деб билардик. Оилада йўлбошчини йўқотиш қанчалик оғир. Олдимизда улар бошлаган ишларни оғишмай давом эттириш, мустақиллигимиз ва тинчлигимизни асраб-авайлаш билан руҳини шод этишдек масъулиятли вазифа турибди.

Тадбирлар республикамизнинг барча худудларида давом этмоқда.

Партия матбуот хизмати

Аҳолининг ижтимоий ҳимоясига оид

ҳуқуқий асос такомиллаштирилмоқда

➤ "АДОЛАТ" ШАРҲИ

Барчамизга маълумки, юртимизда мустақил ривожланишнинг тарихан қисқа бир даврида жамиятнинг барча жабҳаларида улкан натижа ва марралар қўлга киритилди. Иқтисодиёти-миз ривожланишнинг барқарор суръатлари таъминланиб, одамлар турмуш даражаси муттасил ўсиб бормоқда, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгармоқда.

Дунёда глобал молиявий-иқтисодий инқироз оқибатлари хали хануз тўлиқ бартараф этилмаган бир шароитда аҳолининг кам таъминланган қатлами-ни ижтимоий ҳимоя қилиш, одамлар, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш давлатнинг муҳим вазифаларидан бирига айланган. Мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб узоқни қўзлаган изчил ижтимоий сиёсат олиб борилмоқда. Бинобарин, Асосий қонуимиз – Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида фуқароларнинг иш билан таъминланиши, адолатли меҳнат шaroитларида ишлашга оид ҳуқуқлари кафолатланган. Жумладан, унга мувофиқ ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ва қонунида кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси, "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида"ги қонуни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мақсадли дастурлар фуқароларни ишга жалб этиш, улар учун қулай меҳнат шaroитларини яратиш борасида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилапти.

Шуни қайд этиш лозимки, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат

сиёсати корхоналарнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ҳодимнинг ҳаёти ва соғлиғининг устуворлиги, корхоналарда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шaroитлари яратилганлиги, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва ҳар бир касб касаллигини текшириб чиқиш ва ҳисобга олиш, бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ёки касб касаллигига чалинганларнинг манфаатларини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тамойиллари асосланади.

Шу нуктага назардан, 1993 йилда қабул қилинган "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонун мамлакатимизда инсоннинг меҳнат жараҳидани хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлаш бўйича ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш профилактика тадбирларини ўз ичига қамраб олиб, меҳнатни муҳофаза қилиш тизимини ташкил қилишга хизмат қилиб келмоқда.

Ўтган йиллар давомида меҳнат муносабатларини тартибга солишга қаратилган қатор янги қонуналар қабул қилинди ва амалиётга татбиқ этилди. Хусусан, "Радиациявий хавфсизлик тўғрисида"ги, "Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг санитарию-ҳавфсизлиги тўғрисида"ги, "Техник жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республика-

сида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида"ги, "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги қонуналар шулар жумласидандир.

Мазкур қонун ҳужжатлари меҳнат муносабатларини бугунги бозор шaroитларига мослаштириш, меҳнат муҳофазаси соҳасида тартиб-таомилларни такомиллаштириш, техник ва технология янгиланишлар натижасида юзага келмаётган янги соҳаларни қамраб олиш имконини берилади. Айни пайтда бу ўзгаришлар замон талабларидан келиб чиқиб, 23 йил аввал қабул қилинган амалдаги "Меҳнат муҳофазаси тўғрисида"ги қонун нормаларини қайта кўриб чиқиш заруратини юзага келтирди.

Жорий йилнинг 24-25 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ялпи мажлисида маъқулланган янги тахрирдаги "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги қонуннинг асосий қисмида корхона ва ташкилотларда иш берувчи ва ҳодимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажариш бўйича масъулиятини ошириш, ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни, янгиришнинг олдини олиш, ваколатли давлат органларининг меҳнатни муҳофаза қилишга оид қонунбузулиш ҳолатлари бўйича берилган кўрсатмаларини ўз вақтида бажармаслик ҳолатига чек қўйишдан иборатдир.

Хусусан, Халқаро меҳнат хавфсизлиги стандартлари талабларидан келиб чиқиб, қабул қилиниши кутилаётган мазкур қонунда меҳнатни муҳофаза қилишга оид атамалар ва иборалар алоҳида модда бўлиб ўз ифодасини топтоқда.

Шунингдек, янги қонунда меҳнат шaroитлари ва меҳнат муҳофазаси бўйича тегишли назоратни амалга оширувчи махсус давлат органларининг ваколатлари кенгайтирилган ҳолда очиқ берилиши кўзда тутилган.

Бундан ташқари, мазкур қонунда меҳнатни муҳофаза қилиш талабларининг бузилиши оқибатида ташкилот ёки унинг тузилма бўлимлари фаолияти, ишлаб чиқаришни тўхтатиш ва бу каби ташкилотларнинг фаолиятини тугатиш масалалари аниқ қилиб белгилаб қўйилди.

Тахлилларга кўра, амалиётда ҳодимлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига ва техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинмаслиги ёки иш берувчи томонидан хавфсиз меҳнат шaroитларини яратиш, ҳодимларнинг иш вақти ва дам олиш вақтини белгилаш ҳамда ҳодимларни хизмат сафарларига юборишда хавфсизлик талабларига риоя этилмамлиги оқибатида ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган бахтсиз ҳодисалар келиб чиқмоқда.

Қонунда бу каби ҳолатларнинг олдини олиш ва бартараф этиш учун иш берувчи ва ҳодимлар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш юзасидан масъулиятини янада ошириш мақсадида иш берувчи ва ҳодимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ қилиб белгиламоқда.

Яна бир муҳим масала, Сенат томонидан маъқулланган қонунда корхоналарда жамоа шартномаларида белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида ҳодимларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланиши юзасидан жамоат назоратини амалга оширувчи қасаба уюшмаларининг ваколатлари кучайтирилмоқда.

Шу ўринда муҳокама қилинган янги тахрирдаги қонуннинг амалдаги қонундан асосий фарқлари хусусида тўхталиб ўтмоқчиман:

биринчидан, қонуннинг амал қилиш соҳаси ва доираси кенгайтирилган;

иккинчидан, меҳнат жараёнида ҳодимнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилиятини сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика ҳамда реабилитация тадбирлари аниқ белгиланган;

учинчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, мазкур соҳада республика, тармоқ ва ҳудуд даражасида давлат органларининг вазифалари аниқлаштирилган;

тўртинчидан, меҳнатни муҳофаза қилиш хизмати ташкил этишга имкониятлари бўлмаган кичик корхоналарда *аутсорсинг* асосида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги хизматлар бозорининг профессионал иштирокчиларини (тадбиркорларни) жалб қилиш тартиблари белгиланган;

Хулоса ўрнида шунини айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан маъқулланган мазкур қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши меҳнатни муҳофаза қилиш тадбирларини тўғри ташкил қилиш, меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бажаришда иш берувчи билан бирга ҳодимнинг масъулиятини ошириш, касб касалликларини ва ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва бартараф этишда муҳим аҳамият касб этади. Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади.

бешинчидан, иш берувчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ташкил этиш мақсадида ташкилотлар томонидан иختиёрий равишда меҳнатни муҳофаза қилишнинг бошқариш тизимини аудит қилиш механизми жорий этилиши кўзда тутилмоқда;

олтинчидан, ҳодимларнинг айрим тоифалари, аёллар, воёга етмаган ва меҳнат қобилияти чекланган шахслар учун меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги муносабатларини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари каби масалалар аниқ қилиб белгиланган.

Янги тахрирдаги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида меҳнатни муҳофаза қилишга қаратилган муносабатларни тартибга солиш бўйича халқаро ташкилотлар, 20 дан ортиқ хоржий давлатларнинг мазкур соҳадаги тажрибаси ўрганилди. Жумладан, Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенция ва тавсиялари, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея, Россия, Беларусь, Қозғоғистон қонунчилиги таҳлил этилди.

Гавҳар АЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари

➤ ВАТАН КЕЛАЖАГИ ЁШЛАР ҚҮЛИДА

Ўзбекистон "Адолат" СДП Тошкент шаҳар кенгаши ҳамда Юнусобод туман кенгаши ҳамкорлигида партияимизнинг "Ватан келажаги ёшлар қўлида" лойиҳаси доирасида Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансерига "Глобаллашув шароитида ёшларнинг таълим-тарбияси муҳим вазифамиздир" мавзусида тадбир ўтказилди. Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, партия фаоллари, "Ёш адолатчилар" қаноти аъзолари, тиббиёт ходимлари иштирок этишди.

Таълим-тарбия — маънавият асоси

Таъкидланганидек, мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш давлат аҳамиятига молик устувор масала бўлиб келмоқда. Хусусан, 1991 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонун ёшларнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий онгини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, иқтидорини ривожлантириш, ахборот хуружлари ва ёт мафқуралардан ҳимоя қилиш борасида муҳим дастурил-амал бўлиб келмоқда.

— Ватанпарварлик руҳини ривожлантиришда энг муҳим омиллардан бири таълим-тарбия тизимидир, — деди Юнусобод туман партия кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ўсмирлар диспансери бош шифокори Махбуба Арифханова. — Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан инсон зийнати бўлиши бебаҳо бойлик илму маърифат, таълим-тарбияни инсон камолоти ва миллат раванглигини энг асосий шarti ва гарови, деб билган. Зеро, аждодларимиз, муқомул муфаккир ва алломаларимизнинг юксак маънавияти, ватанпарварлиги бизга ҳар жиҳатдан юксак ибрат ва намунадир. Шу сабабли миллатимизнинг эртанги қуни қандай бўлиши, фарзандларимизнинг бугунги кунда қай даражада таълим-тарбия олиши билан боғлиқдир. Биз ёшларни шундай ватанпарварлик руҳида тарбиялашимиз лозимки, улар миллатнинг эртанги қунини хал қилувчи кучга айлانسин.

Таъкидлаш жоиз, туман партия ташкилотининг ёшлар билан ишлаш борасидаги фаолияти ибратга лойик. Жумладан, "Юксак маънавиятли ёшлар — юрт таянчи", "Мафқуравий имунитетни мустаҳкамлаш омиллари", "Партия ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш тарафдори", "Ёшларнинг интеллектуал солиҳияти — таракқиёт гарови" каби мавзуларда ёшларни турли салбий иллатлардан асраб-авайлаш, зарарли ғоя ва мафқуралар таъсирини тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган тадбирлар, ўқув-семинарлар ёшлар фикрини тўғри шакллантиришда амалий аҳамият касб этмоқда, уларни эъгу мақсадлар сари дадил ҳаракат қилишга ундамоқда.

Феруз ЖҲҲРАЕВ,
Тошкент шаҳар партия кенгаши матбуот котиби

Касб танлашга кўмаклашилмоқда

➤ ТАДБИР

Инсон камолотида тўғри танланган касб-хунарнинг ўрни катта. Шу боис халқ таълими тизимида ўқувчи-ёшларнинг иқтидори ва лаёқатидан келиб чиқиб, ўзига мос, жамиятда талаб катта бўлган касб-хунарларга йўналтиришга, уларни таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишга алоҳида эътибор қаратилапти.

Ўқувчилар, айниқса, 9-синф битирувчиларининг қобилиятини аниқлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишга кўмаклашиш мақсадида мактаб психологлари, фан ўқитувчилари томонидан сўровнома, тестлар ўтказилиб келинмоқда. Ёшлар учун ташкил этилган турли тўғрақарак ҳам уларнинг касб танлашида кўмак бўлади. Етук мутахассис бўлиш учун эса, албатта, билим, кўникмага эга бўлиш ва яхши касбни танлаш муҳимдир.

Ўзбекистон "Адолат" СДП Қоровулбозор туман кенгаши томонидан тумандаги МФЙ ва ҚФЙлар ҳамкорлигида ёшларни касбга қизиқтириш, уларнинг билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, етук кадр бўлиб шаклланишлари учун партиянинг "Яхши касб — етук мутахассис — муносиб иш ҳақи" лойиҳаси доирасида "Интиланга толе ёр" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Таъкидлаб ўтилганидек, юртимиз фарзандларининг юксак маънавиятли, етук салоҳиятли, билимдон бўлиб камол топиши уларнинг ўз мақсади йўлида фидойилик билан ҳаракат қилиши, чуқур билим эгаллаши, ёшлигиниданоқ масъулиятини хис этишини ўрганишига боғлиқ. Хар томонлама етук кадр, шубҳасиз, ҳар бир ишга масъуллиқ билан ёндашади.

Тадбир давомида "Қайси касбни танласам экан?" мавзусида анкета сўровномалари ташкил этилди.

Моҳигул АБДУЛЛАЕВА,
Бухоро вилоят кенгаши матбуот котиби

Қуйи ташкилотларда тажриба алмашилмоқда

➤ ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Хоразм вилоят кенгаши тизимида жорий йилнинг "Бошланғич партия ташкилоти йили" деб номланиши муносабати билан шаҳар ва туман кенгашларида ўқув-семинарлар ташкил этиб келинмоқда. Мазкур семинарнинг навбатдагиси Янгибозор туман партия ташкилотида бўлиб ўтди.

Ўқув-семинарда маҳаллий Кенгашлар депутатлари, вилоят, туман партия кенгашлари раҳбарлари, БПТлар раислари ва партия ҳодимлари иштирок этилди.

Дастлаб туман партия ташкилотининг фаолияти, меъёрий ҳужжатларни юритиш тартиблари кўздан кечирилди. Бу борада ижобий жиҳатлар билан бир қаторда айрим камчиликлар ҳам кўзга ташланди. Иштирокчилар мавжуд нуқсонларни бартараф этиш юзасидан керакли тавсиялар беришди.

Сўнгра тадбир иштирокчилари Янгибозор туман тиббиёт бирлашмасидаги ҳамда туман "Хоразм" қишлоқ врачлик пункт қошидаги БПТларнинг иш фаолияти билан танишдилар. Ушбу БПТлар фаоллари томонидан бир қатор ибратли ишлар амалга оширилганлиги

эътироф этилди. Шу билан бирга, айрим камчиликлар ҳақида таҳлилий фикрлар билдирилиб, зарур тақлифлар қайд этилди.

Шундан сўнг семинарнинг иккинчи қисмига ўтинди. Тадбирни вилоят партия кенгаши раиси ўринбосари Манзура Назаркулова кириш сўзи билан очиқ берар экан, мазкур ўқув-семинарлар партия ташкилотлари фаолиятини янада жадаллаштириш учун яна бир имконият яратиб бераётганини таъкидлади.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан сиёсий куч негизи бўлган бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини самарали йўлга қўйиш, ушбу тузилмалар сафини салоҳиятли, сиёсий-ҳуқуқий билимга эга бўлган янги аъзолар билан кенгайтириш, тарғибот-таъши-



қот тадбирларининг таъсирчанлигини кучайтиришда нималарга кўпроқ эътибор қаратиш лозимлиги ҳақида тақлиф-мулоҳазалар ўртага ташланиб, фикрлашиб олинди. Партиянинг ҳар бир ҳодими ташаббускор руҳида фидойилик билан ишлаб сафдошларга намуна кўрсатиши зарурлиги таъкидланди.

— Ушбу ўқув-семинар амалиётда учраётган хато ва камчиликларни ўз вақтида тузатиш, партия ҳодимларининг иш тажрибасини ошириш, партия тизимидаги илгор ташкилотлар ҳодимлари билан ўзаро тажриба алмашишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда, — дейди туман партия ташкилоти иш юритувчиси Муножат Аҳмедова. — Сиёсий, ҳуқуқий

билимларни бойитиш эса партия фаолларини масъулиятни янада чуқурроқ хис қилиб ишлашга ундамоқда.

Семинар сўнггида тегишли тавсия ва тақлифлар ишлаб чиқилди.

Замира АБДУЛЛАЕВА,
Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби

ХОТИРА ДАРСЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган "Хотира дарси" Фарғона вилояти таълим муассасаларида ҳам юксак савияда ўтказилди.

Президент ишончига муносиб бўламиз

Ислам Каримов мустақил Ўзбекистон давлатининг асосчиси, юртимизни қарамликдан озод қилиб, уни замонавий асосда тараққий эттириш стратегиясини, дунёда "Ўзбек модели" деб кенг эътироф этилган тараққиёт йўлини ишлаб чиққан, жаҳон миқёсида катта обрў-эътибор қозонган буюк давлат ва сиёсат арбоби сифатида Ватанимиз тарихида ўчмас ва ёрқин из қолдирди.

Халқимиз тарихан қисқа муддат - 25 йилда эришган барча ютуқ ва марраларини ҳақли равишда Президент Ислам Каримов номи билан боғлайди.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримов таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимишга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизиде, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч қимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси муҳимдир.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда таълим соҳасида улкан ислохотлар амалга оширилди. Биргина Фарғона вилоятида ўтган йилларда 13 мактаб янгидан қирилди, 276 умумтаълим мактаби капитал реконструкция қилинди, 600 дан ортиқ капитал ва жорий таъмирланди. Қўйлаб замонавий ва мухташам спорт мажмуалари, болалар мусика ва санъат мактаблари бунёд этилди.

Президент Ислам Каримовнинг 2012 йил 10 декабрдаги «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида 1-синфдан бошлаб чет тили ўргатила бошланди. Бунинг учун 2 мингдан зиёд синф хоналари замонавий таъмирланиб, зарур жиҳозлар билан таъмирланди.

Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда 1 октябрь - Ўқитувчи ва мураббийлар кунини сифатида кенг байрам қилиниши, уларнинг ижтимоий мавқени мустаҳкамлаш ва меҳнатини муносиб раъбатлантиришга қаратилган доимий ғамхўрлик мактабини чин маънада билим ва маънавият масканига айлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Фарғона шаҳридаги 10-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган "Хотира дарси"да Президент Ислам Каримовнинг мустақиллиги, халқимиз озодлиги йўлида кўрсатган фидойилиги ва аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришдаги буюк хизматлари ҳақида атофлича маълумот берилди. Буюк давлат арбобининг фаолияти ҳақида видеоларча намойиш этилди.

Халқимизнинг истиқлол йилларида эришган барча ютуқ ва марралари мамлакатимизнинг Биринчи Президенти номи ва фаолияти билан боғлиқ, - дейди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Дилфуза Умрзоқова. - Бу улғун инсоннинг мустақил Ўзбекистон тарихида туганган ўрни ҳақида ёшларга кенг тушунча бериш, порлоқ хотираси олдида таълим баҳо келтириш бурчимиздир.

Мамлакатимиз, бутун халқимиз доно йўлбошчисини йўқотганидан чуқур қайғуда. Айниқса, ёшларимиз давлатимиз раҳбарининг ўзларига кўрсатган оталарча меҳрибонлиги ва ғамхўрлигини миннатдорлик билан ёдга олмақда.

Президентимизнинг ёрқин сиймоси бир умр қалбларимизда яшайди, - дейди 9-синф ўқувчиси Мохларой Аҳмаджонова. - Юртбошимиз ёшларнинг бахту камоли йўлида керак бўлса жонини ҳам қурбон қилишга тайёр бўлганини "Хотира дарси"да янада чуқур англадик. Ўзбекистон - ёшлар мамлақати. Ўқишимиз, касб-хунар эгаллашимиз учун барча шароитлар муҳайё. Биз Президентимиз билдирган юксак ишончга муносиб бўлиш, Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида фидокорона хизмат қилишга ваъда берамиз.

М.СУЛАЙМОНОВ, ЎЗА мухбири

БУЮК ШАХСЛАР МАНГУ ЯШАЙДИ

Жиззах вилоятидаги умумтаълим мактабларида ҳам янги ўқув йили Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишланган "Хотира дарси" билан бошланди.

Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаби намунали таълим масканларидан. Математика, биология, кимё, физика, инглиз тили чуқурлаштирилган ҳолда ўқитиладиган мактаб ўқувчилари турли билимлар беллашуви ва фан олимпиадаларида муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

"Хотира дарси"да мустақиллигимиз асосчиси, буюк давлат ва сиёсат арбоби Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тарихан қисқа даврда барча соҳаларда оламшумул ютуқ ва марраларни қўлга киритгани тўғрисида кенг маълумот берилди, - дейди мактаб директори Д.Садриддинова. - Тажрибали педагоглар ўтказган машғулотларда ўқувчиларнинг мана шундай замонавий билимларда таълим-тарбия олаётгани Президентимизнинг ёшларга алоҳида эътибор қаратиб, фарзандларимиз ҳеч қимдан кам бўлмаган шароитларда ушиб-улғайиши лозим, деган улғун мақсад йўлида ўзини яамасдан қилган фидокорона меҳнатлари самараси экани ҳақида сўзлаб берилди. Дарс ёшларимизнинг Ватанимиз тарихи, Президентимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги билимини янада бойитиш, уларда ватанпарварлик туйғусини юксалтиришга хизмат қилади.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти хотирасига бағишланди

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Собик тузум даврида мутелик, қарамлик исканжасига тушиб қолганимизни катта авлод вакиллари яхши эслайди, - дейди 169-умумтаълим мактаби директори Ёркиной Маматова. - Миллат дарди - менинг дардим, деб майдонга чиққан Президент Ислам Каримовнинг жасорати билан бутун минтақамизда ғараз ниятли найрангларга, турли фитналарга барҳам берилди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деган тухматларга чек қўйилди. Ноҳақ қамалган, жабр чеккан минглаб юртдошларимиз озод этилди. Бугун ёшларимиз тинч ва осойишта осмон остида, ота-онаси бағрида эмин-эркин улғаймоқда. Улар истиқлолни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, унинг қадрига етиш зарурлигини, бу ёруғ ва саодатли кунларимиз, бахтиёр ҳаётимиз халқимизнинг фидойи инсонлари чеккан машаққатлар эвазига келганини билиши керак.

Мамлакатимизнинг барча таълим масканларида бўлгани каби академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўтган «Хотира дарслари»да ҳам Биринчи Президентимизнинг жонон Ватанимиз буюк келажаги, тинчлиги ва осойишталиги, халқимиз фаровонлиги йўлидаги фидокорона меҳнатлари ҳақида хикоя қилинди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ватанимиз мустақиллиги, халқимиз озодлигини таъминлаш йўлидаги чеккан захмати, миллатимиз олдидаги юксак хизматларини ёшлар онги ва қалбига сингдириш ғоят улкан маънавий-



маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга, - дейди Тошкент шаҳрининг Сергели туманидаги молия ва иқтисодиёт коллежи директори Отабек Мирзаганиев. - Айниқса, Президентимизнинг мамлакатимизни дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига қўтариш, халқимизнинг ҳаёт сифатини ошириш, Ватанимизнинг халқорой майдондаги обрў-эътиборини юксалтиришдаги хизматлари халқорой миқёсда эътироф этилмоқда.

Машғулотлар жараёнида келтирилган факт ва рақамлар Ўзбекистонда истиқлол йиллари эришилган улкан ютуқлар ҳақида хикоя қилади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси, уч босқичли спорт мусобақалари тизими ташкил этилди. Жамғарма маблағлари ҳисобидан жойларда 300 га яқин бола-

лар мусика ва спорт мактаби, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншооти бунёд этилди. Сўнгги 10 йилда болалар ва ўсмирларнинг спорт билан муносабатини шугулланиш даражаси 30 фойиздан 57 фойизга, қизлар ўртасида 24 фойиздан 47 фойизга етди.

12 йилдан бери мамлакатимизда ялли ички маҳсулот ўсиши кўрсаткичи саккиз фойиздан зиёд бўлиб келмоқда. - Бугунги дарс жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг нақадар жасоратли, мард, қатъиятли, узюкни кўра олувчи, зукко, эл-юрт ташвишларини ўз ҳаётининг маъно-мазмунига айлантирган инсон эканига яна бир қаррамин бўлдик, - дейди ушбу коллеж ўқувчиси Мохичеҳра Абдукаримова. - Халқимизнинг буюк фарзанди Ислам Каримовнинг порлоқ хотира-

си барча юртдошларимиз сингари биз - ёшларнинг ҳам қалбимизда мангу муҳрланиб қолади.

Тошкент темир йўл муҳандислари институтида ҳам «Хотира дарслари» замонавий ахборот, педагогик технологиялардан кенг фойдаланилган ҳолда ҳаётини мисоллар ёрдамида ўтиди.

Собик тузум даврида Ўзбекистон иқтисодиёти бирёқлама ривожланган, аҳолининг ҳаёт даражаси ачинарли аҳволга тушиб қолган аграр республика эди. Президентимиз Ислам Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз суверенитетининг иқтисодий асосларини мустаҳкамлашга оид дастурлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллиги, ёқилги-энергетика, транспорт-коммуникация соҳасидаги мустақиллигини таъминлашга эришилди. Нефть ва газ кимёси,



Ҳамиша қалбимиздасиз

Сурхондарё вилоятидаги таълим муассасаларида ҳам янги ўқув йили "Биз сизни доимо ёдимизда сақлаймиз" шиори остида Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига бағишланган дарслар билан бошланди.

Термиз шаҳридаги 9-умумтаълим мактабида ўтказилган "Хотира дарси"да педагог-мураббийлар, мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналари буюк давлат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти хотирасига ҳурмат-эҳтиром баҳо келтириб, тинч-осойишта, обод ва фаровон ҳаётимизни таъминлаш йўлидаги эзгу ишларини ёдга олди. Ислам Каримов портрети пойига гуллар қўйилди.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумийлиги дастури доирасида Термиз шаҳридаги ушбу таълим маскани тубдан реконструкция қилиниб, навқирон авлоднинг пухта билим олиши, истеъдод ва салоҳиятини намоён этиши учун барча шароит яратилган. Кенг ва ёруғ синфхоналар замонавий ахборот-ком-

муникация технологиялари билан жиҳозланган. Замонавий болалар спортини иншооти ўқувчи-ёшларнинг жисмонан чинқиши, ўзлари қизқичкан спорт тури билан шугулланишига хизмат қилмоқда. - Тизимда яратилган бу каби замонавий шароитлар фарзандларимизнинг соғлом улғайиши ва пухта билим олинишида муҳим аҳамият касб этмоқда, - дейди умумтаълим мактаби директори Сирожиддин Рўзиқулов. - Ўқувчиларимизнинг Биринчи Президентимизнинг буюк мақсадларини рўёбга чиқариш, барқамол инсонлар этиб тарбиялаш учун бор имкониятимизни сафарбар этамиз.

Мактабда 1 минг 186 ўғил-қиз таълим олади. Улардан 193 нафари таълим муассасасига илк бор қадам қўйди. "Хотира дарси"да тажриба-

ли ўқитувчилар замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга Ислам Каримовнинг ҳаёт йўли ҳақида атофлича маълумот берди. Слайдлар орқали оғир ва машаққатли йилларда мустақил Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти сифатида амалга оширган улкан ишлари, халқимизнинг тинч ва фаровон турмушини таъминлаш йўлидаги жасорати, ёшларга кўрсатган бекёёс ғамхўрлиги намойиш этилди. Интерфаол усулда ўтказилган

ЯНАДА ЯХШИ ЎҚИШГА ВАЪДА БЕРАМИЗ

деди Тошкент вилояти Зангиота туманидаги 56-умумтаълим мактаби ўқувчилари янги ўқув йилининг илк машғулоти - "Хотира дарси"да

"Эй болам, сенинг Ватанинг битта - барчамизга азиз, бетакрор мана шу Ўзбекистон. Ота-боболарингнинг хоки шу ерда ётибди. Шу муқаддас замин сени дунёга келтирган, сен уни обод этинг, химоя қилишинг шарт. Нафақат сенинг ўз ҳаётинг, балки сента мени кўзини тикиб турган ота-онанг, опа-сингилларинг, ёш гўдақлар, нуруний қарияларимизнинг ҳаёти ҳам ана шу бурчингни нечоғлик адо этшингга боғлиқ".

Зангиота туманидаги 56-умумтаълим мактабида "Хотира дарси" Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг мана шу дил сўзлари билан бошланди.

"Хотира дарси"да иштирок этган Зангиота тумани ҳокими З.Ортиқов, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари Ислам Каримов мамлакатимизда амалга оширилган улкан ислохотлар, тарихий ўзгариш ва янгиланишларнинг ташаббускори ҳамда раҳнамоси бўлганини алоҳида таъкидлади. Ватанимиз мустақиллигининг асосчиси, мамлакатимиз тараққиёт дастурини ишлаб чиққан ва миллий ривожланиш йўлини белгилаб берган буюк давлат арбобининг ёш авлодларимизнинг ҳеч қимдан кам бўлмай улғайиши йўлида кўрсатган эътибор ва ғамхўрликларини ҳақида сўз юритилди.

Президентимиз Ислам Каримов сиймосини, биз, ёшларга кўрсатган ғамхўрлигини ҳеч қачон унутмаймиз, - дейди мактабнинг 9-синф ўқувчиси Мохигул Абдулломова. - Мактабимизда замон талаблари даражасида таълим олишимиз учун барча шароит яратилган. Ўқувлаборатория ва чет тили хоналари, спорт зали ва майдончаси зарур жиҳозлар билан тўлиқ таъминланган. Биз, бу имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, янада яхши ўқишга, барча соҳаларда бор имкониятимизни ишга солиб, Ватанимизнинг бундан-да юксак марраларга эришишига хисса қўшамиз, деб ваъда берамиз.

Тошкент вилоятидаги 877 умумтаълим мактаби, 122 касб-хунар коллежи, 7 академик лицей ва Тошкент давлат аграр университетидега Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг порлоқ хотирасига бағишланган «Хотира дарслари» бўлиб ўтди.

И.АВВАЛБОВ, ЎЗА мухбири